

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**№5- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

26 декабрь 2018 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб – доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

**Кун тартиби:**

1. Болалар стоматологияси факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора тadbирлари

**Маърузачи:** Болалар стоматологияси факультети декани Хайдаров Н.

2. Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази қошидаги илмий-амалий лабораторияларнинг фаолияти, такомиллаштириш йўллари

**Ахборотчи:** Илмий-амалий марказ директори Храмова Н.В.

3. Мутахассислик фанларда талабаларнинг амалий кўникмаларни ўзлаштириш ҳолати, такомиллаштириш йўллари

**Маърузачи:** Таълим сифатини назорат қилиш бўлими Воҳидов У.Н.

4. Мураббийлар кенгашининг фаолияти тўғрисида ҳисобот

**Ахборотчи:** Мураббийлар кенгашининг раиси Усманова М.Ш.

5. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.

6. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.

7. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: Болалар стоматологияси факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора тadbирлари.

Маърузачи: Болалар стоматологияси факультети декани Хайдаров Н.К.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Интеграцион дарс ўтиш бўйича иш режаси ишлаб чиқилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Бир ой**

2. Тарқатма материаллар презентация, видеофильм, мультимедияларни замонавийлари билан бойитилиб, эскирганларидан воз кечилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Бир ой**

3. Дарс жараёнларида маърузалар ўқиш амалий машғулотлар мавзулари билан мутаносиб тарзда олиб борилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Бир ой**

4. Хирургик стоматология ва дентал имплантология кафедрасида ўқув жараёнини янада яхшилаш мақсадида даволаш хонаси ҳисобидан кафедра мудир хонаси ташкил этилсин.

**Масъул – Бош шифокор**

**Муддат – 1 ой**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги иккинчи масала: Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги илмий-амалий маркази қошидаги илмий-амалий лабораторияларнинг фаолияти, такомиллаштириш йўллари. Ахборотчи: Илмий-амалий марказ директори Храмова Н.В.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Лабораторияларнинг моддий техник базаси такомиллаштирилсин.

**Масъул – Ишлар бошқармаси, бош бухгалтерь**

**Муддат – Доимо**

2. Халқаро грант ва лойихаларда катнашилсин.

**Масъул – “Юз-жағ жарроҳлиги” илмий-амалий маркази**

**Муддат – Доимо**

3. Инновацион технологияларни ишлаб чиқаришда марказ лабораторияларини (кафедралар) ўрни ва жавобгарлиги оширилсин.

**Масъул – Марказ лабораториялари, кафедралари**

**Муддат – Доимо**

4. Институтнинг сайтида ҳар бир лабораторияларни шахсий саҳифаси ташкил қилинсин ва йўналиши ҳамда кўрсатиладиган хизматлар кўрсатилсин.

**Масъул – Марказ лабораториялари, кафедралари, АКТ раҳбари**

**Муддат – Икки ой муддатда**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қўриб чиқилган кун тартибидаги олтинчи масала: Мутахассислик фанларда талабаларнинг амалий кўникмаларни ўзлаштириш ҳолати, такомиллаштириш йўллари. Маърузачи: Таълим сифатини назорат қилиш бўлими Воҳидов У.Н.

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ҳар бир амалий дарс учун яратилган амалий кўникмалар рўйхати ва бажариш алгоритмининг стандартлари талабаларга етказилиши ҳамда амалий машғулотларда самарали тадбиқ этилиши таъминлансин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Бир ой**

2. Мавжуд муляжлардан, фантомлардан, тренажёрлардан, волонтер-беморлардан, ўқув базалардан амалий кўникмаларни ўзлаштириш салоҳияти оширишда унумли фойдаланилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Доимо**

3. Таълим жараёни сифатини ошириш ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришни янада шакллантириш мақсадида ўқитишга компьютерлаштирилган виртуал стендлар, видеороликлар, онлайн курслар ишлаб чиқиш ва жорий этиш, кафедраларда амалий кўникмаларни ўргатиш бўйича янги прогрессив ўқув технологиялар татбиқ этилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари**

**Муддат – Бир ой**

4. Барча амалий кўникмаларни даволаш алгоритм стандартларига мос ҳолда қайта кўриб чиқилсин ва услубий тавсиялар сифатида нашр қилиниб, институт веб-саҳифасида амалий кўникмалар рўйхатини ва қадамма-қадам бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилсин.

**Масъул – Барча кафедра мудирлари, АКТ раҳбари**

**Муддат – Бир ой**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

1. Тиббий педагогика факультети таркибидаги 1-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедрасида ўқув жараёни янада яхшилаш мақсадида 1-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси 2та кафедрага ажратилсин ва 1-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси ва 3-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси деб номлансин.

**Масъул - ўқув ишлари проректори, факультет декани, ўқув бўлим бошлиғи**

**Муддат – 2018-2019 ўқув йилининг 2-семестридан**

2. 1-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси таркибидаги “Психатрия ва наркология” фани, “Суд-тиббиёти” фани, “Тиббий радиология” фанлари бўйича “3-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси ташкил этилсин.

**Масъул - ўқув ишлар проректори, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, факультет декани**

**Муддат – 2018-2019 ўқув йилининг 2-семестридан**

3. 1-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси таркибидаги “Тери таносил касалликлари” фани, “Болалар касалликлари” фани, “Юқумли касалликлари” фанлари бўйича “1-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси” деб юритилсин.

**Масъул - ўқув ишлар проректори, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, факультет декани**

**Муддат – 2018-2019 ўқув йилининг 2-семестридан**

4. 1-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедраси ва 3-сон терапевтик йўналишдаги фанлар кафедралари 2018-2019 ўқув йилининг 2-семестридан ўз фаолиятини бошласин.

**Масъул - ўқув ишлар проректори, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, факультет декани**

**Муддат – Муддат – 2018-2019 ўқув йилининг 2-семестридан**

5. Янги ташкил этилаётган кафедраларни структураси, кадрлар таркиби шакллантирилиб кафедра мудирлари тайинлансин.

**Масъул - ўқув ишлар проректори, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, факультет декани**

**ходимлар бўлими**


**Муддат – 1 ой**

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул килинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ишлар ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев зиммасига юклатилсин.

**Институт кенгаш раиси,  
профессор**



  
**Ж.А.Ризаев**